



Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

Сув келтирган ҳаммадан азиз!

3

Мингбулоқдаги минг бир мурувват

4

Замонлар оша барҳаёт дoston

Мурғак йўрғагидаги ...оғу?!

"Ўзмишим ёлғизликмиди?..."

Рақамлар сири ...бурчақдами?

Расмий хабар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИРГИЗИСТОНГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Қирғизистонда юзага келган вазият муносабати билан мазкур мамлакатга беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 60 вагондан иборат махсус поезд тайёрланиб, Андижонга жўнатилди. Инсонпарварлик юки таркибиде уруғлик чигит, минерал ўғитлар, дизель ёнилгиси, цемент, арматура бор.

Юкни қабул қилиб олиш учун Андижонга Қирғизистон ҳукумати вакиллари, журналистлар келди.

Андижон темир йўл бекатида митинг бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Б.Субанов очди.

— Мен бу ерда Қирғизистон Республикаси президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Қ.Боқиевнинг топшириғига биноан келдим, — деди делегация раҳбари Андрей Иордан. — Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга, бутун Ўзбекистон халқига кўрсатган инсонпарварлик ёрдами учун чукўр миннатдорлик билдирди. Шунинг таъкидлашни истардимки, халқингиз Қирғизистонга ўз вақтида ёрдам қўлини чўзди. Дўстлик ришталари айнан мана шундай қийин дамларда синалади.

Қирғизистон Республикаси қишлоқ, сув хўжалиғи ва қайта ишлаш саноати вазирлиги А.Анорбоев ушбу мурувват ёрдами экиш кампаниясини ўз вақтида якунлаш имконини беришини алоҳида таъкидлаб, қирғиз оилаларининг фаровонлиғи, дастурхонининг тўқинлиғи айнан шу ёрдамга ҳам боғлиқ эканлигини айтди. У кўрсатган мурувват ёрдами учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик изҳор этди.

— Қўшни қирғиз халқи билан дўстлик муносабатларимиз азалийдир, — дейди Андижон шаҳридаги Хўтанари маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шухрат Иброҳимов. — Бундай мурувват ёрдами фақат тинчлик ва оқойишталик ҳукм сураётган мамлакатга кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон эса айнан шундай давлат. Бугунги воқеа бунга яна бир ёрқин мисолдир.

Поезд перрондан манзил сари йўл олди.

С.ШУКУРОВ,
УЗА мухбири.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИ УЙҒОҚ

Ҳа, бу кун юртимизнинг далаларида уйғониш даври. Фаллакор майса бўлган экинни парвариши билан, пахтакор ерга барақа уруғи қадаш билан, боғбон мевалар гулини асраш билан овора. Кўйингики, ер билан тиллашадиган кимса борки, айни кунда у далада. Улар фаолиятида баҳорнинг қуёш нур сочган ҳар кунни, ҳар они ганимат. Бугун деҳқоннинг оддий, аммо энг яқин иш қуроли кетмонидан тортиб, замонавий техникагача ҳамма-ҳаммаси миришкор деҳқонлар ихтиёрида, уларга мададкор.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиғи олғудан

ТАРИХ, ТАРАДДУД, ТАРАҚҚИЁТ

Қарши чукўр тарихий илдишларга, тақорланмас гўзал ва бой ўтмишига эга. Грек-Бақтрия подшолици даври (миллоддан аввалги 250-130 йилларда) ҳам мавжуд бўлган бу қадимий шаҳар Боло, Нашеболо, Нахшаб, Насаф номлари билан юритилиб, XIV асрдан эътиборан Қарши деб атала бошлаган. Бу номнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Урта асрларда Қарши орқали Афғонистон ва Ҳиндистонни Россия ҳамда Европа мамлакатлари билан боғлаган муҳим қарвон йўллари ўтган. Савдо-хўнрмандчилик ривожланган. Бу ерда топилган археологик ёдгорликлар ҳам шаҳарнинг узок тарихидан гувоҳлик беради.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиғини нишонлаш ҳақида республика Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг юбилейга тайёрларлик бўйича комплекс тадбирлар белгиланиб, замонавий ва миллий шаҳар-созлик анъаналари асосида кенг ва раво йўллар бунёд этилиб, маъмурий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари қад рoсламоқда.

Мухбиримиз шаҳар хокими Илҳом АСАДОВ билан шу юбилейга қўрилаётган тайёрларликлар хусусида суҳбатлашди.

— Суҳбатни шаҳар тарихи, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилинишига асос бўлган манбалар ҳақидаги далиллар билан бошласангиз?

— Эътироф этганингиздек шаҳар бой тарихига, ривожланган маданиятга эга бўлган қадимий шаҳарлардан биридир. Кўкүмбаз (XIV аср), Хўжа Убайд Жаррох масжидлари (XIV аср), Қарши қалъаси девори (XVI аср), Қашқадарё кўприғи (XVI аср), Ўзбек ҳаммоми (XVI аср), Абдулазиз (XIX аср), Бектемир (XIX аср), Қиличбек медресалари (XIX аср), Чармагар масжиди (XIX аср) каби тарихий обидалар бундан далолат бериб турибди.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби



Қарши шаҳридаги Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик.

"Авесто"да ҳам Қашқа воҳаси ҳақида маълумот берилди. Қадим юнон тарихчилари эса биринчи бор Навтақа сўзини эрагача бўлган 530 йилларда тилга олишган. Яъни, Квинт Курций Руф "Шоҳ Александр ўз қўшини билан Навтақага етиб келди" деб ёзади хозирги Ерқўрғон ҳақида. У эрага қадар бўлган VII-VIII асрларда йирик деҳқончилик манзили бўлган, VI-VII асрларда юксалишига эришган.

Янги эранинг VII асри охирига келиб, воҳанинг қўйи қисмида асосан шаҳар сифатида Нахшаб шаклланди. Нахшабнинг ўрни эса асосан Шулликтепада бўлган.

XIV-XV асрларда Нахшаб дейилганда эса Зоҳиди Марон қалъасининг ўрни кўзда тутилган. Уларнинг ораси 5-5,5 қақиримга тенг келган. Нахшабнинг Нашеболо, Нашеболло деб юритилиши бир шаҳар номининг икки хил талқинидир. Насаф IX-X асрларда, хусусан Сомониёлар замонида жанубий Сўғда асосий шаҳарлардан бири ҳисобланган. Бу шаҳарда Работ, Шаҳристон, Қарвонсаройлар, Жоме масжидлари, медресалар бисёр бўлган. Насаф X асрга келиб илмий-маданий марказ даражасига кўтарилган. Бу вақтда фаолият

кўрсатган ҳадисшунос-лар ўз даврининг йирик олимлари бўлган.

— Тарихий сана муносабати билан бўладиган ўзгаришлар, кўзда тутилган режалар, қисқа вақтда амалга оширилган тадбирлар хусусида сўзлаб берсангиз?

— 2005 йилда халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштрокида Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш режалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 29 сентябрда "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилган.


Қарордан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда унда белгиланган тадбирларга кўра, Қарши шаҳрининг марказий ва асосий кўчаларини бош лойиҳа асосида кенгайтириш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, болалар тистирхоат боғини лойиҳа асосида қайта таъмирлаш ниятисига етказилди. Маҳалла маркази бунёд этилади. Қарши шаҳрининг тарихий марказини ободонлаштириш ва Қашқадарё кўприғи, Абдулазиз, Қиличбек, Бектемир медресалари, Қарши қалъаси девори, Ўзбек ҳаммоми, Чармагар, Хўжа Убайд Жаррох ҳамда Кўкүмбаз масжидларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ободонлаштириш, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш, коммуналхўжалиқ кўрсатишини янада яхшилаш режалаштирилган.

Утган вақт ичида марказий ва асосий кўчаларни бош лойиҳа асосида кенгайтириш ва ободонлаштириш бўйича каттагина ишлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан шаҳримизда Олимпия заҳиралари коллежи қурилиши бошланди.

2-саҳифага

«ЎЗБЕК ТУЛПОРЛАРИ» РОССИЯДА ЯНА БИРИНЧИ



Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида янги автомобиллар харид қилган 10667 харидор жаҳонга машҳур талай компаниялар маҳсулотларини эмас, «Нексия»ни афзал кўрди. Асақдаги «УэдЭУавто» қўшма корхонасининг яна бир маҳсулоти — «Матиз» эса россияликлар энг кўп харид қилган беш хорижий автомобилнинг бири бўлди. 2005 йил бошидан «Матиз» сотиб олган россияликлар сони 4532 нафарга кўпайди.

Шундай қилиб, жорий йилнинг биринчи чорағида Россияда энг кўп — 15199 дона — автомобиль сотган хориж компанияси «УэдЭУавто» бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврида Россияга экспорт қилган автомобилларимиздан қарийб 150 фоиз кўп демокдир.

Таъкидламоқ лозимки, бу ўзбек автомобилларининг хориждаги биринчи муваффақияти эмас. «Нексия» 2002 йили Россия энг кўп импорт қилган автомобиллар рўйхатидан

биринчи ўринни олган эди.

«Биринчи чорак якунларига кўра, «УэдЭУавто» маҳсулотлари Россияда энг кўп сотилаётган автомобиллар бўлиб чиқди, — деб ёзади россиялик журналист А.Заваров. — «Ўзбек тулпорлари» ўтган йилнинг мутлақ чемпиони «Hyundai» ва унгача биринчиликни кўлдан бермай келган «Toyota», ҳатто гуркираб ривожланаётган «Mitsubishi»ни ҳам чангда қолдириб кетди. Ўзбек машиналарининг шиддати яна ошиб, голиблик шоҳушларининг энг юқори поғонасидан жой эгаллади».

Автомобилларимизга хорижда талабнинг тобора ортаётганига асосий сабаб — машиналаримиз қулай, арзон ва сифатли. Москва матбуотининг ёзишича, харидорнинг айнан ана шундай талабларига жавоб бера олгани учун Россиянинг «АвтоВАЗ» заводи автомобилларига талаб кескин пасайиб кетган.

Таъкидламоқ керакки, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан 1996 йили ишга туширилган «УэдЭУавто» қўшма корхонасида жорий йилда 2004 йилдигидан анча кўп — 110 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилган. Уларнинг ярмидан кўпи экспортга жўнатилди.

Москва матбуотининг ёзишича, Россияда 2005 йилнинг биринчи чорағида энг кўп сотилган хориж автомобиллари орасида «Нексия» биринчи ўринни олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитасида ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

Малакатимизда халқ хоҳиш ирода-си билан юзага келган икки палатали парламент фаолият бошлаганига атиги бир неча ой бўлган бўлса-да, палаталар ишининг кенг қамровли даражаси, ҳаётийлиги яққол сезилиб турибди.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилиши, хусусан, ундаги мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг маърузаси ва ундан келиб чиқадиган ҳар икки палата фаолиятига оид йўналишлар халқимизнинг икки Палатали парламентга ўтиш борасидаги ақидил фикри (бу борада мамлакатимиз аҳолиси уни ёқлаб овоз берган эди), сайловчиларнинг ўз номзодларига бўлган ишончи бесамар эмаслигини, аксинча ҳаётий зарурият эканлигини таъминлади. Юртбошимиз ана шу қўшма йиғилишда Қонунчилик палатасининг йўналишлари тўғрисида ҳам тўхталиб, жумладан қўмиталар қошида унинг йўналишларидан келиб чиққан ҳолда турли эксперт гуруҳлари тузилиши мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида тақдир билдирган эди.

Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси бундай тажрибанинг ўрнини ўзининг аввалги фаолиятлари давомида исботлаб келган эди. Бу йўналишнинг янада ривожлантириш, хусусан, Юртбошимиз ўртага қўйган вазифалар асосидаги режалар билан бойитиш эса бугунги давр талабидир. Шундан келиб чиқиб, қўмилада учта эксперт гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳларга Олий Мажлис депутатлари билан бирга ҳар қайси гуруҳ йўналишидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар, олимлар, шу соҳа бўйича амалиёт ишида банд бўлган ходимлар жалб этилди.

Хусусан, қўмитанинг Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича эксперт гуруҳи ҳам ана шундай тамойиллар ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилди. Унинг дастлабки йиғилиши «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувида бўлиб ўтди. Унда дастлабки масала сифатида эксперт гуруҳи аъзоларини танлаш, таништириш масаласи кўрилди. Шундан сўнг гуруҳнинг фаолият қирралари муҳокама этилди, иш режалари тасдиқланди.

Йиғилишда қўмита раиси Акмал Саидов иштирок этди.

Жиззах вилояти

ҚЎЙТОШЛИКЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳри «Ипак йўли» автотранс акционерлик жамиятининг «Мерседес-Бенс» русумли автобуси Тошкент—Қўйтош йўналиши бўйлаб қатнай бошлади. 300 километрдан ортқироқ масофани қисқа соатларда босиб, йўловчиларни ўз манзилига етказиб қўётган экипажга таърифи бўли ҳайдовчи Эргаш Қўлатов раҳбарлик қилмоқда.

Узоқ йиллар аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда тажриба ортирган Эргаш ака тоғ оралиғидаги йўллардан мохирлик билан автобусни бошқариб, қўйтошликларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Республикаимиз рангли металлургия саноатини ривожлантиришга эзлик йилдан ортқ хисса қўшган шаҳарча аҳолиси тошкентликларнинг бу ғамхўрлигидан жуда хурсанд бўлишди.

— Қувончимизнинг чеки йўқ, — дейди қўйтошлик пенсионер Файзулла Дониёров. — Халқингиз эҳтиёжи қондирди. Ҳам арзон, ҳам қулай беминнат бу транспортнинг пойтахтимиз билан бизни боғлагани меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялашдаги дадил қадамдир.

Пардабой ТОЖИБОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Нукус шаҳрида яна бир академик лицей қурилиши жадал бошлаб юборилди. Умумий қиймати 2 миллиард 17 миллион сўмлик, 600 ўринлик янги билим даргоҳини «Жамбасуқурилиш» маъсулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишади.

Қурилиш юмушларини баҳарий имкониятини тендер асосида қўлга киритган мазкур жамиянинг айни пайтда юз нафардан кўпроқ бунёдкорлари бино пойдеворини тиклаб бўлишди. Одиал Чинтемиров бошқарган қурувчилар кўни кеча умумхалқ байрами — Наврўзи олам ҳаширада ҳам фаол қатнашиб, ободонлаштириш ишларини олиб боришди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.



Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссасдорлик жамияти

Тахририй манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-йў

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Маъсул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

ТАРИХ, ТАРАДДУД, ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Шубҳасиз юбилейга хорижий мамлакатлар, кўшиқчилардан кўплаб меҳмонлар ташриф буюришди. Улар қандай маданий тадбирлардан баҳраманд бўладилар?

2004 йил ноябрь ойида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан шаҳар ҳокимлигининг "Энг яхши тарихий, илмий мақолалар", "Энг яхши публицистик асарлар", "Энг яхши туркум телекурсатувлар ва радио эшитиришлар", "Энг яхши мей-бўёқ асарлари", "Энг яхши фото асарлар", "Энг яхши театрлаштирилган байрам тадбири сценарииси" ва "Энг яхши сахна безаклари эскизи учун" кўриқ-танловлар эълон қилинган. Шу кўриқ-танлов галибларининг асарлари намойиш этилади. Шу билан бирга, энг яхши театрлаштирилган байрам сценарииси бўйича жуда катта тадбир ўтказилиб, унга вилоятларнинг таниқли жамоалари ва республикадаги машҳур санъаткорлар таклиф этилади. Бундан ташқари М. Тошмухаммедов номи вилоят мусиқали драма театри ва "Эски мачит" театр студиялари ўзларининг юбилейга бағишланган спектаклларини намойиш этишди. Маданият ва истироҳат боғларида эса маҳаллалар, ташкилотлар ва ўқув юртлири қошида ташкил этилган фольклор жамоалари ҳамда эстрада гуруҳларининг фестиваллари бўлиб ўтади. Меҳмонлар шу ва шу каби маданий-маърифий тадбирлардан баҳраманд бўладилар.

Қарши бир вақтлар ўзининг миллий хунармандчилиги билан доғир таратган. Бу байрам катнашчиларни қизиқтиради, албатта. Қолаверса, ҳар бир чет эллик бу ердан қандайдир эсдалик совғаси олиб кетишга интилади. Уларнинг бу хоҳишлари қандай ва нималар ҳисобига қондирилади?

Юбилей кунларида халқ хунармандларининг "Қарши-Ўзбекистон дурдонаси" мавзусида халқ амалии ва тасвирий санъати усталари ҳамда хунармандлари асарларининг савдо кўргазмаси ташкил этилади. Вилоят ўлкани ўрганиш музейининг



"Тарих ва этнография" бўлими очилади. Бунда қадимги миллий кийимлар, тақинчоқлар, каштачилик кўргазмалари намойиш этилади. Шунингдек, музей томонидан маълумотлар берилган буклет чиқарилади. Хунармандларнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги рамзи туширилган асарлари эсдалик совғаси сифатида берилди.

Кутлуг тўй муносабати билан маҳаллаларда амалга ошириладиган асосий ўзгаришлар нималардан иборат?

Бир сўз билан айтганда шаҳарнинг барча маҳаллаларида катта байрамга тайёргарлик ишлари қизгин бошланиб кетган. Байрам арафасида Беклар, Кат, Равоқ, Қилибек Кўргонча, Чақар маҳаллаларида маҳалла гузарлари

қурилиб, таъмирланиб, бирин-кетин ишга тушириляпти. Роғузар маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси, тўй-ҳашамлар ўтказиладиган зал қурилиши давом этмоқда. Гулшан маҳалласида маҳалла фуқароси, тадбиркор Ў.Эржаевнинг шахсий маблағи ҳисобидан спорт комплекси қурилди. Чақар маҳалласида миллий хунармандчилик-сандикчилик, новвойчилик, зардўзлик, каштачилик, қандолатчилик цехлари қаторига Американинг СНФ ташкилоти билан ҳамкорликда тикувчилик ҳамда кичик мақорон цехи ишга туширилди. Қарши Давлат университети олимлари билан биргаликда "Қарши шаҳар маҳаллалари тарихи" китоби яратилляпти.

Юбилей катнашчилари Қарликхона, Равоқ, Дарвоза Тутак, Чақар, Арабхона, Кўқонча, Насаф маҳаллаларида бўладилар. Негаки, бу маҳаллалар ўз тарихий йўли билан обидаларига эга. Масалан, Қарликхонада XIV асрда қурилган жоме масжиди бўлса, Равоқ маҳалласида XVI асрда бунёд этилган кўприк мавжуд. Чақар, Арабхона маҳаллаларида бир неча йилдан бунён фаолият кўрсатиб келаётган "Гулчехралар", "Араби гуллари" фольклор ансамбллари чиқишлари меҳмонларни хушнуд қилади, деган умиддамиз.

Сухбатдош: Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" муҳбири.

Оқсоқол тажрибаси

Оқсоқол этиб сайланганимга икки йилдан ошди. Бу даврда маҳаллага бош-қош бўлиш оғир, лекин маъсуляти ва шарафли иш эканлигини, раис ниҳоят ҳақоло, жонқуяр, ташкилотчи ҳамда маънавиятли инсон бўлиши кераклигини тўла ҳис қилдим. Одамларнинг менга бўлган ишончи, бурча, халққа бўлган меҳр-сабоқатим, кўпчилигининг ҳождатини чиқаришдек савобли ишдан завқланиш ҳисси фаолиятимнинг мезонига айланди.

САВОБ ИШНИ ҲАР КҮНИ ҚИЛАМИЗ

Бошқа жойларда бўлгани каби бизнинг маҳалламизда ҳам ўз ечимини кутаётган талай муаммолар бор эди. Маслаҳатчилар, фаолларга таянган ҳолда уларни навбатманавбат бартараф этаямиз. Бу соҳада бизга шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинимаси яқиндан ёрдам берапти.

Худудимиздан катта сой ўтади. Унга қурилган кўприқдан пиёдалар ўтишга анча қийналиб келарди. Шунинг ҳисобига олиб, кўприкнинг икки ёниндан қўшимча йўл қилинди. Зафар, Қажрамон, Улкан сой, Илғор кўчалари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Мавжуд 12 кўча хонадонлари тўла кўнализация тармоғига уланди.

Наримон Олимов номи кўчада яшовчи 117 та хонадонда табиий газ босими паст эди. Бунга барҳам бериш мақсадида Туркистон кўчасидан 200 метр узунликда қувур тортилдди. Бу ишга маҳаллада яшовчи тадбиркор Насимхон Хўжаев ўзининг беш миллион сўмдан ортик маблағи билан ёрдам берди. Айни кунларда тадбиркорлар ва маҳалла аҳли ёрдамида Наримон Олимов номи кўча билан Сотти Хусайн номи кўча кесишган жойда гузар, оталар чойхонаси қуриш, маҳаллага рамзий дарвоза ўрнатиш

ишлари давом эттирилмоқда. Ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, фуқаролар ўртасида дўстлик, аҳиллик, одамийлик ҳислатларини камол топтириш, маҳаллада тинчлик-осойишталик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳам қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Маҳалла диний ақидонарастлик унсурларидан, қонунбузарлардан холи. Шу боис ўтган Меҳр ва муруват йилида маҳалламиз шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган "Энг маънавиятли ва маърифатли маҳалла", "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" кўриқ-танловларида фахрли ўринларни эгаллади.

Маҳалламизда ободончилик, тарбиявий, тинчлик-осойишталик, истиқболдаги улкан режаларни амалга оширишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Дилбархон Ёрматова, котиб Эркинжон Муҳаммадов, посбонлар сардори Эркинжон Жалилов ҳамда Муроджон Мақсудов, Мамажон Холиқов, Собиржон Отажонов сингари фаолларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Алихон ПИРМАТОВ, Қўқон шаҳридаги Ёғ бозори маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Фаргона вилояти



СУДАНГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ МУҲОКАМАСИ

Норвегия пойтахтида Суданга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича донор мамлакатларнинг анжумани яқунланди. Унда юзга яқин давлат ва қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Анжуманда мамлакат жабуида иқтисодиётни тиклаш, Дарфур муаммосини бартараф этиш масаласи атрофида муҳокама этилди.

Маълумки, Суданнинг жанубий худудларида 21 йилдан бунён қуролли тўқнашулар давом этиб келмоқда. Бу ерда яшовчи аҳоли асосан насронийлар бўлиб, ўзларига мухторият берилишини талаб қилмоқда. Мажаролар туфайли икки юз мингга яқин одам ҳаётдан қўз юмди. Қочкинга айланганлар сони эса икки миллиондан ошиб кетди.

Ниҳоят жорий йил бошида Кения пойтахтида мажароларга чек қўйиш мақсадида ҳукумат ва исёнчилар ўртасида тинчлик битимига эришилди. Бу билан томонлар ҳар қандай чигалликни музокаралар орқали ҳал этиш мумкинлигини исботлади. Битимга мувофиқ, мамлакат жанубида ўтиш даври ҳукумати тўзилиб, олти йил мобайнида фаолият юритадиган бўлди. Кейин эса жанубий худуднинг Судан таркибиде мухторият макомиде қолиши ёки мустақил давлатга айлантирилиши юзасидан референдум ўтказилди.

Айни пайтда эса иқтисодиётни тиклаш асосий муаммога айланган. Узоқ давом этган фуқаролар уруши натижасида бу ерда инфратузилма бутунлай издан чиққан.

Осло учрашувида томонлар Суданга молиявий ёрдам ажратишга келишиб олди. ПАТА-ТАСС хабарига кўра, бунинг учун Европа Комиссияси 765, Буюк Британия 545, Нидерландия 220, Норвегия 250 миллион АҚШ доллари ажратди. Ирландия ҳукумати эса 2005-2007 йилларда Суданда ижтимоий соҳани ривожлантириш, тураржой биноларни барпо этиш учун 15 миллион евро сарфламоқчи.

Албатта, муаммони ҳал этиш учун бу маблағ кифоя қилмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, яқин йиллар ичиде жанубий худуд иқтисодиётини тиклаш учун қамиде 7,8 миллиард АҚШ доллари керак. Бошқа муаммо - Дарфур мажароси ҳали-ҳамон давом этаётгани ҳисобига олинса, мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун бундан ҳам кўпроқ маблағ зарур экани аён бўлади.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Эсиз одамлар, эсиз одамлар...

Хоразм вилояти

... Ниҳоят йўлини топди. Ичиде ўз-ўзини мақтаб ҳам қўйди: "Қалланга қойил, Шерзод! Ҳар қандай изқувар, ҳар қандай текширувчи ҳам тополмайди бунни энди. Ахир ким ҳам ҳали ёшига тўлмаган чақалоққа озор бериши келади?..."

ЙЎРГАКДАГИ ОҒУ...

— Қани, болани бешиқдан ол! — буюрди хотинига. — Яхшилаб йўрғакла, жуббаси ичига мана буларни яширишни унутма. Бўл, тез, кеч қоламиз. — Ахир ҳавонинг авзойига қаранг, дадаси. Шундай совуқ ҳавода ёш гўдак билан йўлга чиқиб бўладими? Бормайман!

Шерзоднинг тепа сочи тикка бўлди, жаҳлга минди. "Борасан, — дея хотинига ўдағайлади. — Сен тезроқ бойиб кетишимизни ўйла. Яхшилаб ўрасанг, болага ҳеч қандай совуқ таъсир қилмайди. Мен ўзим кўтариб оламан. Бўл тез!" Хуллас, эр-хотин олти ойлик гўдакни олиб, Туркменистон тарафга йўлга чиқишди. Мақсадлари таниш кимсага оқ оғу — героин моддасини мўмайгина пулга сотиб, бел оғритмай пул топиш эди. Бунинг оқибати хунук бўлишини эса ҳаёлга ҳам келтиришмади. Бирок "Шовот" божхона бекати ходимларини эр-хотиннинг чақалоқини шундай совуқ ҳавода кўтариб йўлга чиқишлари шубҳалантирди. Ота-онани қатори чақалоқ ҳам кўриқдан ўтказилганида йўрғак ичидан 73,3 грамм героин моддаси топилди...

Бундай жирканч иш билан муттасил шуғулланиб келаётган кўшкўприклик эндигина ўттиз ёшдан ошган Шерзод Хўжаев суд ҳукими билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. У панжа-ра орқасига йўл олаётганида мўлтираб қараётган чақалоқнинг кўзларига тикилди. Балки "Сенда ҳеч айб йўқ, қизалогим. Энди сенинг мучал ёшингда қайтиб келаман. Мени танирмикансан? Кечир мендай пастхаш отангни, қизалогим, жигаргўшам!" — деяётгандир, агар виждони қийналган бўлса.

Иккинчи воқеа тафсилоти янада аянчли: тумандаги 28-мактабда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Ҳўкувчи Зиёда Мадиерова оғуфурушлик билан шуғулланиши касб қилиб, бу ишга юқори синфда ўқувчи

бир қизни ҳам жалб этган экан. Бу йил мактабни тугатиб, мустақил ҳаётга йўл олиш арафасида турган ўспирин қизга тўғри йўл кўрсатиш урнига ўқитувчиси бўлатуриб ана шундай қабиҳ ишга шерик қилганини нима деб аташ мумкин?

Туманнинг "Иттифок" ширкат хўжалиги 8-бўлимида яшовчи икки нафар фарзанднинг онаси Сора Гуломова ўз уйида героин гиёҳванд моддаси сотаётганида қўлга тушди. Хонадонни тинтув қилинганда сотиш учун мўлжаллаб қўйилган 34,9 грамм героин моддаси топилди. "Тошкент" хўжалигида яшовчи Гулчехра Абдуллаева ўз уйида фоҳишахона очиб қўйганлиги аниқланди.

Туман худудида бундай жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар билан биргаликда иш режалари белгиланди. Огоҳлик, ҳушёрликни таъминлаш мақсадида тунги навбатчилик ташкил қилинган. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Яқинда бундай шахсларнинг 47 нафари касб-корга эга бўлишди.

"Антитеррор — тозалаш", "Тун", "Ўсмир", "Қалпақ" каби маълум йўналишдаги рейдлар, текширишлар ва бошқа кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мақсад — тинч, осойишта муҳитни барқарорлаштириш, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш. Бу борада ўз ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлик янада кучайтирилмоқда.

Ислом ТИЛАБОВ, Кўшкўприк тумани ИИБ бошлиғи; Абдулла САФОВЕВ, "Mahalla" муҳбири.

Муштария тақлиф қилмагуду

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

ёки Шодмон Кўзибоев номи маҳалла аҳлининг қувонч ва ташвишлари

Бекободнинг Тоҷикистон Республикаси ена чегарадош бўлган тоғ-кон цехи худудиде жойлашган мўбжазгина маҳалла Шодмон Кўзибоев номи билан юритилади. У ким эди? Шодмон ота Кўзибоев 1907 йилда Хўжанд вилоятининг Қизил қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1932 йилда оиласи билан бирга Бекобод шаҳрига кўчиб келган. Дастлаб цемент комбинатида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. У узоқ йиллар тоғ-кон тош майдалаш цехида экскаватор машинисти бўлиб ишлади, меҳнат фронтида фаол қатнашиб, бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. Бугун эса унинг 6 нафар фарзанди, ўндан ортик неваре-чеваралари боболари ишини давом эттирилмоқдалар.

Кичик маҳалланинг ҳам ўзига яраша катта ташвиш ва муаммолари бўлади. Жумладан, маҳалла болалари учун мактаб масаласи муаммо эди. Яқинда бу масала ҳам ҳал этилди. Эндилқиде жажжи болакайлар шаҳарнинг бошқа худудига қатнаб юришмайди, улар маҳалланинг ўзидаги бошланғич мактабда

Фармон ва ижро

Самарқанд вилояти

ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНГ БЎЛСИН!

Инсон зоти борки, яшаш ва тирикчилик ўтказиш илин-жиде баъзан ҳар хил йўллارга киради. Бу йўлларнинг бири тўғрилиқ деб аталса, иккинчиси эгрлик деб ном чиқарган.

Эртанги кунини ўйлаган, фарзандлари истиқболига бепарқ бўлмаган одамларнинг йўл қўйган хато ва нуқсонларидан виждони қийналади, минг бора пушаймон бўлиб, агар имконият берилса энди тўғри яшашга аҳд қилади. Халқимизда "яхши отга бир қамчи" деган нақл бор. Хатони ўз вақтида тўғрилаш учун инсонга кўп бора имкониятлар берилди. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган киши жамиятнинг фаол аъзосига айланиши шубҳасиз.

Республикамиз Президентининг 2004 йил 1 декабри кунини эълон қилинган "Амнияти тўғрисида"ги фармонига кўра жазони ўташ муассасаларидан озодликка

чиқарилган фуқароларнинг шарт-шароитини яхшилашда жамоатчилик фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллиги муносабати билан эълон қилинган ушбу фармоннинг ижроси бугунги кунда Пастдарғом туманида ҳам бажариллиши таъминланмоқда. — деди Пастдарғом туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлинимаси катта инспектори, милиция майори Тилод Шодмонов. — Йигирма беш нафар судланганлар ушбу фармон бўйича ўзлари истиқомат қилган қишлоқларга қайтиб келишди. Шуларнинг 18 нафарига туман

ҳокимлиги томонидан 682 минг 385 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 9 нафар жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларга паспортлар берилди. Энг аҳамиятлиси, туман ички ишлар бўлими ташаббуси билан 6 нафар судланган шахслар турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди. Жазони ўтаб келган фуқароларнинг ҳар бири билан маҳалла ва қишлоқларда тўшунтириш ишлари олиб борилди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Дарҳақиқат, бундай ғамхўрликлардан сўнг жазони ўташ муассасаларидан қайтганлар жамиятнинг фаол аъзосига айланишга аҳд қилдилар.

Файрат БОБОҚУЛОВ "Mahalla" муҳбири.

Барҳаёт анъана

Жиззах вилояти

ХУНАРМАНДЛАР СУЛОАСИ

улар тайёрлаган маҳсулотларга ҳатто хорижликларнинг ҳам қизиқишлари катта



Бир пайтлар Галлаорол туманидаги Кориз қудуқ қишлоғида Мулла Бурхон ва Пароҳол аялар тиккан тўнни киймаган, белбоғни белига боғламаган кўвлар уйланиман деб хархаша қилар эканлар. Бу хунармандлар шунинг учун йил ўн икки ой янги оила қурадиган ёшлар учун сарунолар тикиш билан машғул бўлишар экан.

Яқинда ана шу сулоланинг вакили Насиба Илёсова раҳбарлик қилаётган уста-хунармандлик хусусий корхонасида бўлдим. Ўн бир нафар хунарманд чиққан оиланинг кенжа вакили Насиба Илёсова "Ташаббус — 2005" кўрик танловининг вилоят босқинида ғалиблигини эгаллаб, республика мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хусусий тадбиркорлик корхонасида 37 нафар хунарманд меҳнат қилади. Улар 50 хилдаги халқимизнинг унутилиб кетаётган хунармандчилик намуналарини сақлаб қолиш, бойитиш йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатмоқдалар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республикамиз бозорларига кўр бағишлаб турибди.

— Ҳатто маҳсулотларимизга музейлардан ҳам талаб тушаётгани ўз ишмига катта маъсулият билан қарашга ундамоқда, — дейди Насибохон. — Мустақил бўлганимиздан кейин республикамизга келувчи сайёҳлар жуда кўпайди. Албатта, уларнинг жаннатмақом юртининг осори-атиқалари, миллий хунармандчилик ашёларига қизиқишлари катта. Шу боис биз туманининг Сарбозор бекатида зардўзлик маҳсулотлари билан савдо қиладиган корхона очини мўлжаллаямиз.

Корхона уйда маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда 5 та хонадонда хунармандчилик маҳсулотлари тайёрланапти. Ўтган тўрт йил мобайнида 34 нафар ёшга уста-шогирд анъанаси асосида хунар ургатилди. Бу корхона ишчилари сонининг ошишига сабаб бўлди. Қолаверса, ёшларни эса фойдала меҳнатга жалб этиш мақсадида корхона чеварлари тез-тез мактабларда, коллежларда меҳмон бўлмоқдалар.

— Туманимизда қорвачилик ривожланган, — деб сўзини давом эттирди Насибохон. — Айниқса, жун кўп. Биз халқдан ана шу хом ашёни харид қилиб, гилам, олача, жулкурс ва бошқа хунармандчилик намуналарини тайёрлаямиз. Бу корхонамиз жамоасига ҳам катта фойда келтирмоқда. Бундан ташқари тумандаги Бахт маҳалласига хайрия тадбирларини амалга оширишда ҳам яқиндан ёрдам бериб келаямиз.

Дарвоқе, Насиба Илёсованинг оиласи — турмуш ўртоғи, қизи ҳам корхонанинг фаол ишчиларидан ҳисобланади. Улар ҳамжихатликда меҳнат қилиб ўз турмушларининг фаровонлигини таъминламоқдалар. — Баъзида кўча-кўйда юрганимда иш йўқ деб нолиб юрган кишиларнинг гапларини эшитиб қоламан, — дейди Насиба Илёсова. — Бу тамоман нотўғри. Иш қиламан, деган одамга иш топилади. Фақат имконият қидириш керак... Мени тез-тез маҳаллаларга қақирадлар, иш топиб бериш, деган муурожаатлар бўлади. Бизда ҳамма шарт-шароит етарли, фақат меҳнат қилиш керак. Хонадонларимизда биттадан ё чевар, ё хунарманд топилади.

Пардабой ТОЖИБОВ, "Mahalla" муҳбири.

Тошкент вилояти

ўқишадиган бўлишди. Маҳалланинг ўзига яраша меҳнатқаш, танги кишилари бор. Улар ўзлари туғилиб ўсган масканин гўзал ва обод қилишга интиладилар. Тоғ ён бағирларига экилган юзлаб мевали ва манзарали дарахларни кўриб бунга ўзингиз шохид бўласиз. Аммо тоғ ён бағирларида ўсиб, мевалари дастурхонни тўкин қилаётган дарахларнинг қуриб қолмаслиги учун албатта, сув керак. Шодмон Кўзибоев номи маҳалладаги энг оғриқ нуқталардан бири ҳам сув муаммосидир.

Етти миллат вакилларидан иборат 144 та оилалардан ташкил топган бу мўбжаз маҳаллада яшаётган 500 нафарга яқин фуқаролар Бекобод тарихида муносиб из қолдирган меҳнатсевар кишилар, эл ардоғидаги инсонлар. Маҳалланинг Муроджон Болтаевдек фидойи раиси, Розияхон Рўстамовадек тинч-тинчмаси котибаси, Олмахон Зокировдек оқила маслаҳатчилари эса доимо зийрак ва халқ ташвиши билан бандлар.

Тўри, маҳалла чегарасидан Сирдарё оқиб ўтади. Лекин сувни тоғ ён бағирларига олиб чиқиш учун юқори қувватли насослар зарур. Маҳалладаги мавжуд насосни таъмирлаш ва яна битта юқори қувват билан ишловчи янги насос ўрнатиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шундагина аҳоли тўлиқ ичимлик суви билан таъминланган бўлар эди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Маҳалла — мактаб...

МАСЪУЛИК ҲИССИ

У ўқитувчи-мураббийларни ўз касбига садоқатли бўлишга, ўқувчи-ёшларни эса илмни севишга ўргатмоқда

Фуқаролари маънавий баркамол, тафаккури юксак бўлган жамиятда тараққиёт жараёнининг жадаллашиши барчамизга аён. Шу жиҳатдан таълим-тарбиянинг дастлабки бўғини бўлган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари зиммасидаги вазифа, масъулият доимо юксак ва шарафли бўлиб келган.

Бу борадаги ислохотларнинг асосини ташкил этувчи Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингандан буюн мана 6 йил вақт ўтди. Ана шу қисқа давр мобайнида мамлакат таълим тизимида, жумладан халқ таълими соҳасида таълимни ташкил этиш, унинг мазмуни ҳамда моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида бир талай ишлар амалга оширилди. Ана шу ислохотлар самарасини бизнинг Музработ тумани халқ таълими бўлими томонидан амалга ошираётган қатор хайрли ишларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўтган 2004 йилнинг Мехр ва мурувват йили деб эълон қилиниши билан туманда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари ижтимоий муҳофазасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, туман халқ таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактабларида 2004-2005 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари 6 номда, 2 минг 622 нусxada 4 млн. 772 минг сўмлик, таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар ўқувчилари 6 номда, 82 нусxada 490 минг сўмлик, таълим рус тилида олиб бориладиган ўқувчилар учун 6 ном 8 минг нусxada 25 минг сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Шуниси эътирофга сазоворки, ана шу масканларда 2-9 синфларда таҳсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари

бепул китоб ва дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Жорий ўқув йилида моддий ёрдам кўрсатилган бундай ўқувчилар сони 3528 нафарни ташкил этди. Шунингдек, уларга маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 3528 тўпلامда 50 млн. 316 минг сўмлик кийим-беш ҳадя этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида"ги фармойиши, фармони ва унинг ижросини таъминлашга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари замирида юртимиздаги мактабларни замонавий талаблар асосида барпо этиш, уларда барча зарурий шарт-шароитларни яратиш каби эзгу мақсадлар муҳассамлашган. Шу асосда туман халқ таълими бўлими томонидан ҳудуддаги 49 та умумий ўрта таълим мактаблари, 17 та мактабгача таълим муассасаларида 1 млн. 338 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Осиё тараққиёти банки гранти асосида 2-, 7-, 8-умумий ўрта таълим мактабларида 50 млн. сўмлик, шунингдек, 10-сонли "Нилуфар" мактабгача таълим муассасасида 1 млн. 850 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Туман марказидаги Ш.Бобоев номли маҳаллада 192 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Ўтган йилда тумандаги саккизта мактабга компьютер синф-мажмуалари олиб берилди. Хонадонларда яққа тартибда ўқитилаётган 66 нафар ногирон ўқувчиларга ўқув анжомлари етказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

ҲЕЧ КИМ ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Манғит шаҳрида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат бўлими томонидан галдаги бундай ўринлар ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 50 дан ортиқ корхона ва муассасалар 245 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Шу кунги ярмаркада иштирок этган 200 нафар талабалардан 78 нафари муҳим иш ўрни билан таъминланди.

— Бундай тadbирнинг тез-тез ўтказилиши, — дейди Амударё тумани аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат бўлими мутасадди ходими Баҳром Жуманиев, — маҳаллаларда, айниқса овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ишсизликнинг олдини олишда қўл келаяпти. Шунингдек, йигит-қизларни касбга қайта тайёрлаш билан ҳам изчил шуғулланиш яхши самара бермоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ДАРХОННИНГ ИССИҚ НОНЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма соҳаларда пухта ҳисоб-китоб билан чуқур ўйлаб тузилган режалар асосида иш юритмаган киши янгилиги қолиши мумкин. Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғининг Дархон маҳалласида жойлашган ёпиқ турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида ҳам худди ана шу талабларга амал қилган ҳолда иш юритилди, десак муболага бўлмайди.

Шунинг учун соҳа корхоналаридан фарқли равишда бу ерда ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани йўқ, аҳолига нон маҳсулотлари узлуксиз равишда етказиб берилмоқда. Корхонанинг ҳеч қандай қарзи йўқ, олинатган фойданинг бир қисми яна ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

— Туманимиз аҳолисига, давлат таъминотидаги болалар боғчалари, саккиз шифохона, қолаверса, Андижон шаҳридаги бир қатор дўконларга бизнинг нонларимиз етказиб берилди, — дейди жамият раиси Қаҳрамонжон Солиев.

Мазкур ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида яқин атрофдаги маҳаллалардан 26 нафар ишчи-хизматчилар, мулк эгалари меҳнат қилишади. Уларнинг ишга муносабатлари тамомилга ўзгарган. Яъни жамоанинг мулкига ўз мулкидек қараб, маҳсулотни юқори сифат билан чиқарса, харидорғир бўлишидан манфаатдордирлар.

Корхонада ўн беш-йигирма йилдан бери ишлаб келатган таърибли ишчилар талайгина. Нон чекнини катта устаси Абдуқашқор Валиев, Рўзихон Уносова, Абдусаттор Ниёзов, Ўринбой Хайитов, Рўзихон Толипова ёшларга мураббийлик қилиб, новвойлик сирларини ўргатиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам корхонада ойига 90 тонна ундан сифатли нон маҳсулотлари ёпилмоқда.

— Маҳалламиз аҳоли зич яшайдиган мавзёлардан бирида жойлашган, — дейди Дархон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Икромжон Мамажонов, — Нон маҳсулотлари корхонасининг маҳалламизда жойлашганлиги аввало дастурхонимизда доимо нон бўлишини таъминласа, бошқа томондан ишсизликни камайтиришга ҳам ёрдам беради. Бундан ташқари корхона жамоаси маҳалладаги кам даромадли, яққа-ёлғиз оилаларга ўз ёрдамини ҳам бериб келмоқда. Маҳалла идорасини қўришида, уни жиҳозлашда ҳам катта кўмак кўрсатди. Дархоннинг иссиқ нонларидан дастурхонимиз тўкин, мададкорлигидан кўнглимиз тўқди.

У.САҚСОНБОВЕВ, "Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти



Маълумки, жорий йил Сихат-салооматлик йили деб номланди. Бу эса юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш талабини олдимишга қўяди. Шу маънода бугун ёшларнинг маънавий етуқлиги билан бирга уларнинг

жисмоний баркамоллигига ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бунинг самараси ўлароқ ҳудудда болалар спорти ривожланаяпти. Спортга қизиқувчи ўқувчи-ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳозирда тумандаги мактабларнинг 19 тасида 21 та спорт заллари мавжуд. 35 та мактабда замонавий футбол ўйингоҳлари ишлаб турибди. 16 та таълим масканида мини футбол майдончалари қурилган. Ҳудуддаги 265 та спорт секциялари машғулотларида 7 минг 479 нафар ўқувчи иштирок этиб келаяпти.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб бораётганлиги бизнинг фаолиятимизга ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ошишида, уларни дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлашда ана шу ҳамкорлик қўл келаяпти. Ота-оналаримиз, фуқаролар йиғинлари, ҳомий ташкилотлар мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам бериб келади. Қолаверса, маҳалла ходимларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан таълим масканларида ёшлар билан ташкил этилаётган тушултириш ишлари, давра суҳбатлари ўқувчилар қалбига эзгу туйғу-тушулчаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Энг асосийси, бугун ўқувчи-ёшларнинг таълим олишга, ўқитувчи-мураббийларнинг эса ўз касбига садоқати, масъулияти ошди. Зеро, биз кўзлаган эзгу мақсадлар сари одимлашда ана шу муҳим жиҳатлар устувордир.

Дўстқўл КОДИРОВ, Музработ тумани халқ таълими бўлими мудири.

Фарғона вилояти


Ёшларни эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, меҳнатсевар қилиб ўстиришда кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибаси қўл келади. Бу борада Марғилон шаҳрида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилляпти. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Жамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ушбу тажриба асосида кекса авлоднинг ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш ҳақида таклиф билан чиқдилар.

ИБРАТЛИ АНЪАНА

Вилоят ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, "Кекса авлоднинг вилоят ёшлари билан учрашувлари ҳаракат дастури ҳақида" махсус қарор қабул қилди. Шаҳар ва туман ҳокимиятлари зиммасига тadbирларни ҳар томонлама яхши тайёрларлик билан ўтказиш, уларга вилоятнинг энг машҳур инсонлари, меҳнат қаҳрамонлари, фидойилик фахрийлари, олимлар, санъаткорлар, журналист, ёзувчи ва шоирларини жалб этиш вазифаси юклатилди. Жойларда тadbирларни ташкил қилишнинг аниқ ва давомийлигини таъминлаш мақсадида ҳар ойнинг биринчи ва учинчи пайшанба кунлари вилоятда "Кекса авлоднинг ёшлар билан мулоқот кунини" деб белгиланди. Ана шу қарор ижроси бўйича Фарғона, Марғилон, Кўкча шаҳарлари ва Ўзбекистон, Данғара туманида мулоқотлар ўтказилди. Олий ўқув юртлири, коллеж ва лицейлари меҳнат жамоаларидаги ёшлар

билан ўтказилган учрашувларда Ватан ва мустақиллик тушунчаси, фидойилик, ёшларнинг ота-она олдидида бурчи ва мажбуриятлари, ҳушёрлик ва огоҳлик ҳақида, гиёҳвандлик моддалари ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш йўллари сингари қатор долзарб мавзуларда маъруза қилинлар. Навбатдаги учрашув ва мулоқотлари янада таъсирчан ва қизиқарли ўтказишга кизгин тайёрларлик қўрилмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.



Тошкент шаҳри

С.Раҳимов туманидаги Амир Темур номли маҳалла аҳли ҳар йили Наврўз айёми ҳамда Соҳибқирон Амир Темур таваллуд тоғлан кунини қўшалок байрам сифатида нишонлайдилар. Бу йил ҳам ушбу анъана тақрорланди. Маҳаллага Наврўзга нишонлаш учун йиғилганлар баҳорий кайфиятда бобомиз Амир Темур хотирасига бағишлаб дилбар куй-қўшиқлар, гўзал рақслар ижро этдилар. Маҳалланинг кайвони онахонлари бошчилигида катта дошқозоналарда пиширилган сумалак байрам дастурхонига кўрк бағишладилар. Шунингдек, тантанада маҳаллада яшовчи 55 та эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

СУРАТДА: маҳалла аёллари сумалак тайёрламоқдалар. Д.АҲМАД олган сурат.

Бир аёл қисмати...

Эри Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганида Нарзи хола ўттиз икки ёшга, яққон ёлғиз ўғли Маматжон эса эндигина ўн ёшга тулган эди. Уруш ва урушдан кейинги очарчилик йилларида хола кўнлар қатори озиб-тўзиб кетди. Бироқ ана шундай машаққатлар олдидан ҳам ўзини олдириб қўймади. Ёлғиз ўғлининг эртаси орзу-умидида елиб-югурди. Тунни кунга улаб меҳнат қилди.

ПАНОҲ ТОПМАГАН МЕҲР

Ўғли улғайғач эса кичикроқ бир тўй қилиб уни уйлантирди. Энди онахоннинг бир қувончи ўн қувонч бўлаётганида тўйдан етти-саккиз ой ўтиб ёлғиз умиди — ўғли Маматжон тўсатдан оғир дардга чалиниб, тўшак тортиб ётиб қолди. Хола юрагини ҳовучлаб, ўғлини опичлаб кўрсатмаган табиби, шифокори қолмади. Фойдаси бўлмади. Маматжоннинг умри қисқа экан, у 21 ёшида меҳрибон онаизорини ва ҳали дийдорига тўйиб улгурмаган гулдай аёлини қон қақшатиб, бандаликни бажо келтирди.

Ўғлининг қирқи ўтар-ўтмас хола келинининг ой-кунини яқинлашганини билиб, ўғлимдан из қоладиган бўлди, деб бироз кўнгли ёришгандай бўлиб юрди. Бироқ Нарзи холанинг бу қувончи ҳам узоққа бормади. Тўғилин навараси ҳам бир хафта-ўн кун турар-турмас узилди. Холанинг сўнги умиди ҳам чилпарчин бўлганди. Ширин орзулари шу тарихи ушалмас армонга айлиниб қолаверди.

Ғамдан кўнглини кўтаролмай юрган кунларининг бирида келини ҳам аввал узр, кейин рухсат сўраб ота-онасиникига кетиб қолди...

Нарзи хола қирқ икки ёшида эрининг не-не умидлар билан қурган уч хонали уйда ёлғиз ўзи қолди. Укаси Темир тоға опасини ёлғизлатиб қўймади, деб елиб-

югурди: уйгаям олиб кетмоқчи бўлганди, бироқ Нарзи хола эринининг, ўғлининг ва наварамнинг арвоҳлари чиқариб қолмасин, деб уйдан чиқмади. Ўтганлар руҳига дуои фотиҳа қилиб, уларнинг чироқларини ёлғиз бўлса-да ёқиб ўтирди. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Бу орада холанинг сочлари оқарди, белидан мадор, кўзидан нур кета бошлади...

Ёлғизлиги айниқса, ёши ўтган сайн қаттиқ билина бошлади. Тўғри, уни укалари ва сингиллари ташлаб қўймади, уларнинг фарзандлариям, ўзлариям ҳар доим холанинг иссиқ-совуғидан, кам-кўстидан хабар олиб туришди.

Нарзи хола кексайса-да, ҳовлисидидаги бир парча ерга ўзи экан эким, ўзи парвариди қилишни жуда яхши кўрарди... Ишламасам, сувгим қотиб, ўтириб қолам, деб экин-тиқидан бўшаган пайтларда чопон тикди, кўрпа, кўрпача қавиди. Ёши тўқсонга боргандагина ерга ишлашни қўйди-ю, бироқ қўлидан игнани қўймади...

Жамғарма бўлинмалари фаолиятимиздан

...Кўчқорали аканинг бутун умри Найман қишлоғида ўтди. Тиббиёт билан юртини би-тириб, кўп йиллар шифохона ва фельдшер-акушерлик шаҳобчаларида ишлади, қанчадан-қанча беморларнинг дардига маҳкам бўлди. Аммо пенсияга чиқиб, тўққиз ўғил-қиз, невараларнинг орзу-ҳавасини кўраман деганда ўзи оғир хасталикка чалинди, тўшакка миҳланиб қолди. Икки йилдан ошибдики, турмуш ўртоғи Чиннигул она, ўғил-қизлари уни кўтариб юришади, оқ ювиб-оқ тарашади.

МУРУВВАТНИНГ САФАРИ ҚАРИМАЙДИ

Шундай бўлсада, ўзи юриб ташқарига чиқа олмаганидан сиқиларди. Шу боис ўтган йили баҳорда Мингбулоқ тумани ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи Олимжон Қўшбоев, туман "Мингбулоқ" газетасининг муҳаррири Қосимжон Акбаровлар Кўчқорали акага ногиронлар аравачаси олиб келишганда отахоннинг кўзларига қайноқ ёш келди.

Жомашуёлик Илҳомжон Мадалиев, меҳнатободлик Беғали Нуралиевларга ҳам "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ногиронлар аравачаси тортиқ қилинганда нафақат уларнинг ўзи, ота-оналари, балки ёру биродарлари, маҳалла-куй хурсанд бўлди.

Довдўқлик Атикахон Хотамова, олтинқўллик Хайрулла Маматқуллов, момохонлик Мухиддин Қулмаматов каби ёрдамга муҳтож фуқаролар соғлигини тиклашлари учун ҳам жамғарма ўринли ёрдам кўрсатди. Улуг айёмлари, байрамлар муносабати билан уруш қатнашчилари, ногирон, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, кам таъминланган оилалар қолидан хабар олиш, байрам тантаналарини ташкиллаштириш аънаънага айланган. Етим болаларга банкда жамғарма ҳисоби очилиб, маблағ қўйилди.

Жамғарма ташкилотчилигидаги яна бир хайрли иш — ёлғиз яшовчи ва боқувчисини йўқотган 12 нафар оиланин уйлари таъмирлангани бўлди.

— Бу хайрия тadbирларимиз вақтинчалик эмас, — дейди жамғарма туман бўлинмаси раиси Ёқубжон Бошбоев. — Меҳр-мурувватнинг сафари қаримайди. Меҳр-муҳаббат, саҳийлик, мурувват хислари халқимизнинг қалбига чуқур илдиз отган. Меҳр ва мурувват йилида бу илдизлар қалбларимизга янада чуқурак ўрнашди. "Энг мурувватли қўшни", "Энг намунали хонадон", "Энг обод қўча", "Энг яхши маҳалла", "Энг аҳил қайнона-келин", сингари кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кириб қолди.

Туманимиздаги 41 нафар маҳалланинг ҳаммасида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлашди. Уларга алоҳида хоналар ажратилиб, жиҳозланди.

М.АБДУРАҲМОНОВА

Олам



СОВУН КЎПЛИКЛАРИ ПРОФЕССОРИ

Юқоридаги Ҳафата унван эгаси Вулган Амироқовлик Э.Пласетерор дегарли 50 йилдан бери мамлакат бўйлаб вастролена чиқиб эстрага концертларига Ва мелевидения орқали ўз хунарини намоён қилиб келадди.

У 20 та совун пуфагидан минора ясади. Махсус рецепт асосида эса у узок вақт ёрилик кетмайдиган совун пуфагини ҳам пуфлайди. Улардан бири ёрилмасдан 340 кунгача турган.

БАЛИҚЛАРНИ ЭМЛАЙДИ

Даниялик муҳандислар балиқларни эмлаш учун қурилма яратдилар.

Қурилманин ўзи балиқларни бир жойга тўплайди ва ўзи балиқ танасига игна санчади. Ҳар бир укол дан сўнг игна янгиланмайди, балки унинг ўзи автоматик равишда микрооблардан тозаланади. Қурилма бир соатда 2200 та балиқни эмлайди.

КИНООПЕРАТОР-ДЕЛЬФИНЛАР

Амриколик мадқиқотчилар дельфинлардан сув остида суратга олашда фойдаланиш фикрини илгарича суринмоқда.

Денгиз жониворининг орқасига узокдан бошқариладиган махсус кинокамера ўрнатиб қўйилади. Дельфинлар у билан ғаввослар туша олмайди, дельфинга янги касета учун базага қайтишга сигнал берилади.

ҚУРИЛМА УҚАЛАЙДИ

Лондонда тиббий асбоб-ускуналар кўрвасмаси бўлиб ўтди. Бу ерда кўп уелкунлар, шу жумладан япон мўтахассислари томонидан яратилган қурилма ҳам намоён этилди.

У беморларни массаж қилади. Унинг иккита катта бармоқлари бор. У ўзи керакли нуқталарни топиб, уқалайди ва инсонга шунчалар енгиллик бахш этадики, натижада беморнинг кайфияти кўтарилади, бош оғриғидан халос бўлади ва томирларида қон айланиши меърига тушади.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Менглибой МУРОДОВ

Ифтихор

МАДАДКОРИМ-МАХАЛЛАМ!

Айласанг обод маҳалланг, сенга бўлган мададор, Маскани дониш эрур у, оқсоқоллардир қатор. Не муаммо бўлса энда бунда топгайдур ечим, Мактаби турмуши кўрган кўп билимдон бунда бор. Маърака, тўйда бўлишгай кексалар ҳам бошу қош, Элига кўп раҳномодир ҳеч кишини этмайди хор. Навқирон етса камолга, тўғри йўлга бошлагай, Тарбият этса маҳалла, у лшайди бахтиёр. У замона саҳнида бир зарраи давлат эрур, Эл аро доим бўлгуйки тинч-тотувлик барқарор. Кўча-кўй обод этилса, хайр-барокат келаду, Ким эса аҳли маҳалла, бунда бўлсин ҳиссадор. Хишравий, элиг ила сен хайрли кўй қадам, Гулласин мудом маҳалланг, кетмасин бундан баҳор. ХИШРАВЙ

Барҳайт меросимиздан сабоқлар

ДОСТОН ЭРТАК ЭМАС

Халқ оғзаки ижодида мансуб бўлган достонлар асрлар оша инсон тарбиясидаги муҳим ўрни билан аҳамиятли бўлиб келмоқда. Мардлик ва жасурлик, меҳр-оқибат, ишқ ва садоқат, дўстлик ва аҳлик каби инсоний фазилатларни мадҳ этувчи, халқимизга хос бўлган кўнча аъналар, қадриятлар, урф-одатларни ўзида мужассамлаштирган ушбу ижод намуналарига мустақиллик шарофати билан муносабат тубдан ўзгарди. Улар миллий адабий бойлигимиз сифатида мактаб дарсликларидан жой олди, бу ҳақда кўнлаб тадқиқотлар яратилди.

"Алпомиш" достони ҳам бугунги кунда узоқ тарихий даврни бошдан кечирган, замонлар оша бахшилар тилида сайқаллашиб келатган қадимий мерос сифатида қадрланади. Достонни мутолаа қилар эканмиз, унинг қаҳрамони — Алпомиш орқали ўзбекининг мард ва алп ўғлонлари сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Шарқ аёлларига хос бўлган қатъийлик, жасорат эса Барчиной тимсолида намойиш бўлади. Барчинойнинг қалмоқ алпларни кўрмоққа кўзи йўқ, У Алпомишга кўнгил берган. Бироқ Барчиной ўзининг ор-номусини ҳамма нарсадан устун кўяди. Бир сўзи, қатъиятли қиз қалмоқ алпларига берган сўзидан осонгина воз кечи, Алпомиш билан Бойсунга қайтишни ўзига эп кўрмайди. Аксинча: "Алпомиш келса-кептида, Алпомиш келди деб мен этагидан ушлаб кетаверганимми? Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартини қилган кишига тегаман", — дейди.

Достонда ўзбек миллий урф-одатларимиздан бўлган тўй маросими Алпомишнинг Барчинойга уйланиши орқали тасвирланган. Тўйга яқин қариндош-уруғлар ва дўсту биродарлар қақирлиб, элга ош берилади. Агар қариндошлар орасида шоирлари, уйинчилари бўлса, улар шевъ ва кўшик айтиб даврани қизитганлар. Уша давр тўйларида ҳам бир талай удумлар мавжуд эди.

Ўртага ўт ёқиб қизлар туради, Салом солиб бекини бошлаб боради, Қадимги расми шундай бўлади,

Барчинойни қиз оқчоғи қилади. Қиз сўйлатар деган расм бўлади. Қиз сўйлатган анча нулли олади.

Шунингдек, аёллар келин-куёв чимилдикқа киргунча "Кампир ўлди", "ит ириллар", "чоч сийпатар", "кўл ушлатар" каби удумларни адо этганлар. Куёв навкар эса келин-куёв чимилдикдан чиққанидан сўнг "куёв товоқ", "куёв улоқ" удумларини қилганлар. Ҳозирги кунда ҳам ана шу удумларнинг баъзилари сақланиб қолган. Достонда тасвирланган кураш ва кўпқари сингари аъналаримиз эса тўйларимизга файз бағишлайди.

Достонда инсоннинг жониворларга меҳрибонлиги усталик билан баён этилган. Алпомиш Бойсунга келганида йилқиларга дуч келади. Бойчиборнинг кишнаганини эшитиб, Тарлон бия чўпоннинг қайтаришига қарамай, етти йиллик айриқдан сўнг, пирлар эди. Бойчиборнинг олдига югуриб келади. Алпомиш эса отни "Мендан бурун сен энангни топдинг", — деб кўйиб юборади. Тарлон бия Бойчиборни етти марта айланади. Шундан сўнг Алпомиш Бобур кўлига — Қалдирқочойим туя боқиб юрган жойга келиб қолади. Унинг келганлигини дастлаб қора нор туя сезади. Бу туя етти йилдан бери чўкиб, аза тутиб ётар эди. Бекнинг келатганини хидидан билиб, тўдадан чиқиб, Алпомиш томон йўл олади. Туяни қайтариш илнжидида Қалдирқочойим Алпомишга дуч келади...

Бахшилар турли ўлкаларда кишиларни меҳр-оқибати бўлишга, адолатпарварликка давъат қилиб юришади. Достонда мусулмон киши фарз-

лари ҳақида ҳам гапирилган. Шулардан бири Бойбўри ва Алпомиш ўртасидаги мунозарда айтиб ўтилган. Масалан, мазордан ўтиб кетатган одам дуо қилиб ўтиши, отда бўлса дуо қилаётганда чап оёғини узангидан чиқариб олиши керак. Достон сюжетига туш воқеалар силсиласини ойдинлаштириб туради. Қирқ чилтан қаҳрамонларни бир-бирининг тақдирдан туш орқали бохабар қилиб боришади. Алпомиш қалмоқ юртига кетаётган йўлда чилтанларга йўлиқди. Чилтанлар Шохимардон пирнинг айтганини қилиб, Алпомиш ва Барчинойнинг руҳини учраштиради. Қоражоннинг Алпомиш билан дўст тутинишига ҳам улар кўрган бир хил туш сабаб бўлади. Достон қаҳрамонларига фақатгина чилтанлар эмас, пирлар ҳам доимо мададор бўлади. Алпомиш Қоражоннинг кутқаришига ихтиёр қилмай зиндонда ётаверади. Ниҳоят, Товка оймидан Бойчиборнинг тириклиги ҳақида хабар эшитади. Оти зиндон тепасига келганида, Ҳакимбек азизлар номини шафе келтириб, Шохимардон шохи Кавсар, Алининг шогирди Бобои Қамбар, Алининг дўсти Молик аждар, дарвишлар, имомлар, чилтанлар, ўн икки Аҳмад, Расул Мухаммад, Қозилол Ҳазрати Нўғай сингари кўнлаб пирлардан мадад сўрайди. Етти йиллик бандликдан сўнг Алпомиш пирларнинг мадади билан озодликка чиқади. Сўнг қалмоқлар билан курашиш учун курол-яроғ берган ҳам пирлар эди. Алпомиш пирлари ёрдамида қалмоқ шохи Тойчиқонни, Бойсунга хон бўлиб олган Ултонтозни енгиб, Барчинойга уйланади. Алпомиш асар қаҳрамони, сюжет марказида турадиган образ. У мақсадлари йўлида курашади, ўзгалардан мадад олади, ноқорларга кўмаклашади. Ёш ўсимлар сингари содда, катта кишилардек мулоҳазали. Достонда тасвирланган ана шу воқеалар бугун ёшларимиз учун ибратли. Улардан чиқариладиган хулосалар эса ҳар қандай давда ҳам аҳамиятли бўлиб қолаверади.

Азиз НОРҚУЛОВ, Дониёр ТОШБОВЕВ, ЎЗМУ талабалари.

17 апрель — Ёнвундан сақлаш хизмати ходимлари куну

ХАЛОСКОРЛАР МАШҒУЛОТЛАРДА



Бепарволик, эҳтиётсизлик оқибатида қутилмаганда ўзидан дарак бериб, инсон соғлиғига, ҳаётига жиддий хавф солувчи, мол-мулкига зиён етказувчи ўт балоси доимо барчамиздан хушёрлик ва огоҳликни талаб қилади. Айниқса, ана шу офатнинг олдини олишда, унга қарши курашишда асосий суянчимиз ва халоскорларимиз бўлган ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг касбий маҳорати, жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлиги ҳамда вазиятни тўғри баҳолаш олишлари ниҳоятда муҳим. Ушбу талаблардан келиб чиқиб соҳа ходимлари бир йилда икки марта дала синов машғулотларида қатнашиб ўз малакаларини оширадilar. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисмлари вакиллари ҳам ана шундай машғулотларни ўтадилар. Унда ҳар бир қисмдан бештадан вакил иштирок этди.


СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди қисмлари вакиллари дала синов машғулотларида.

Рақамлар тарихи

"БИР" "НЕГА" "1" ?

Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз... Шу сўзларни эшитганда уларнинг ёзувдаги ифодаси—рақамлар бир-бир кўз олдимизга келади: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9... Нега шундай экан-а? Нега "уч" деганда 7 рақамини кўз олдимизга келтирмаймиз? Бунинг сабаби нимадалигини биласизми?

Аслида бу тарих силсиласидан ҳозиргача ҳеч нарса ўз-ўзидан бус-бутун этиб қолавермас экан: у кучли бир асосга эга бўлмоғи, нимагадир асосланиши керак экан, чоғи. Биз ҳар кун, керак бўлса, ҳар дақиқа иш-латадиган рақамлар тарихи, ёзилиши ҳам кўпчиликини қизиқтириб келган, олиму фузалолар рақамлар устида тадқиқотлар олиб борган. Натижада рақамлар "тақдири", тузилиши ҳақида ҳар ким ўзича талқинни илгари сурди — кимдир "хо-



сиятли ва хосиятсиз" рақамларни бир-ма-бир санаб, қайд этди. Кимдир бу рақамларнинг ўзига хос бошқа хусусиятларини кашф этди. Буни қарангки, бир гуруҳ олимлар рақамлар устида яна бир қизиқ тахминни илгари сурди. Манбаларда айтилишича, бизга "рим рақами" дея ўқти-

рилган бу рақамлар аслида илк бор қадим Ҳиндистонда қўлланилган экан. Рақамларни бир-биридан адаштириб юрмаслик учун дастлаб рақамлар устида махсус белгилар ҳам қўйилгани, бу унчалик қулай бўлмагач, қандайдир чизиклар қўйиб фарқлашгани тўғрисида маълумотлар бор. Кейинчалик эса улар рақамлари БУРЧАГАГА қараб фарқлашни ўйлаб топади! Уша рақамлар эса дастававал куйидагича кўринишга эга бўлган: Энди олимларнинг фикрига қайтсак, бунинг қанчалик ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигини рақамларнинг бурчаклини санаб чиқсак, уларнинг сони айни ўша рақам қийматини беришига ва олимларнинг бу тахмини тўғри эканига амин бўламиз. Тўғри, ҳозирги пайтга келиб айрим рақамлар, хусусан, етти билан тўққиз рақамининг шакл-шамойили бироқгина бўлса-да, ўзгарган. Аммо бу ҳолат юқоридида тахминни инкор этмайди. Жасур КЕНБОВЕВ

Юртимиз спортчилару говруғу

ШАХМАТ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Спорт олимпиадаи шахматга ихтисослашган нуфузли наирлардан бири «64-Шахматное обозрение» (Россия) 2004 йил якунига кўра йилнинг энг ахши ўн нафар грессмейстерини аниқлади.

Учинчи мартаба ташкил этилган сўровда дунёнинг 75 мамлакатидан 445 нафар шахмат мутахассиси иштирок этди. Уларнинг аксарияти — 279 киши Ҳиндистонлик грессмейстер Вишванатан Ананд номзодини биринчи ўринга қўйди. Умумий ҳисобда 5205 балл жамғарган Вишванатан Ананд ўтган йилнинг энг яхши грессмейстери деб эътироф этилди.

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг амалдаги жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов энг кучли грессмейстерлар сўровида бешинчи ўринда қайд этилди. Шахмат мутахассисларининг 12 нафари Рустамни биринчи ўринга қўйди. Яқини натижага кўра, 2088 балл тўплаган ҳамюртимиз Веселин Топалов (Болгария), Василий Иванчук (Украина), Майкл Адамс (Англия), Александр Морозевич (Россия) ҳамда Александр Гришчукни (Россия) ордта қолдирди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ ЧУСОВИТИНАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида бадий гимнастика бўйича ўтказилган жаҳон кубоци босқичи — «Зигфрид Фишер шоҳсунаси» халқаро турниридан ҳамюртимиз Оксана Чусовитина олтин медал билан қайтди.

У таяниб сакраш беллашуварларида барча рақибаларини ордта қолдирди, биринчи ўринни эгаллади. Брусьяда бажарилган машқлар бўйича ҳамюртимиз еттинчи натижани қайд этди.

Оксана Чусовитина ўзининг спортчилик фаолияти давомида Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва қатор нуфузли турнирларда олтин медаллари кўлга қиритган. У «Афина-2004»да спорт гимнастикаси бўйича кетма-кет тўртта Олимпиадада қатнашган спортчи сифатида ўзига хос рекорд ўрнатган.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ ПОРТУГАЛИЯДА

Португалияда бадий гимнастика бўйича гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирида 30 дан ортиқ мамлакатдан келган юздан зиёд спортчи қаторида тўрт нафар ўзбекистонлик гимнастикачи ҳам иштирок этди.

Бадий гимнастика бўйича спорт усталари ўртасидаги бахсларда Маргарита Алимова кўпқарашда финал беллашуварларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга қиритди. Иқтидорли гимнастикачимиз бувавада туртинчи, тўп ёрдамида бажарилган машқ бўйича олтинчи ўринни эгаллади. Афсуски, Екатерина Бабина финалга чиқолмади.

Спорт усталигига номзод гимнастикачилар баҳсида Ульяна Трофимова ҳамда Жамила Раҳматова кўпқараш бўйича кучлилар сирасидан жой олди. Ульяна Трофимованинг булава ёрдамида бажарган чиқши турнир ҳақамлари томонидан юқори баҳоланди ва ҳамюртимиз кумуш медалга сазовор бўлди. Жамила Раҳматова эса кучли ётиликка кирди.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА мухбири



Х.СОДИҚОВ чизган расм.



МУҲАЖЖИМЛАР МАБҒУРИ

КҮЙ (21.03-21.04)

Олдинда сизни турли воқеаларга бой кўнлар кутмоқда. Воқеалар орасида кўнгилли ва кўнгилсизлари ҳам бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)

Яқин кўнларда бажарадиган асосий ишларингиз муҳим ҳужжатларни расмийлаштиришдан иборат бўлади.

ЭГИЗАҚЛАР (22.05-21.06)

Қутилмаган фойдали тақлифлар қилишлари, сизга бироқ нотаниш бўлган соҳада ишлашга қақирлишлари мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Қалбингиз тубида сир сақлаб юрган орзуларингиз ушалишига кичкинагина тасодиф сабаб бўлиши эҳтимол.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Режалаштирган молиявий ишларингиз деярли юз фоиз амалга ошади. Лекин бундан ховлиқиб кетиб, қалтис ҳаракат қилманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Молиявий аҳволингиз бир маромда бўлса-да яқин кўнларда сарф-ҳаражатлар кўламни камайтирингиз лозим.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Хафалашиб қолган дўстларингизни яраштириш — яқин кўнларда сизни бутунлай банд этадиган асосий масаладир.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Қутилмаган учрашуварлардаги қизиқарли танишувардан завқланиб бир неча кунни қандай ўтказганингни сезмай ҳам қоласиз.

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Ҳуқуқий ечимини қутаётган муаммоларни хал этишга деярли барча вақтингизни сарфлашга тўғри келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кўнларда оғир-босиқлик атрофингиздагиларнинг муносабатига қарши асосий қуролингиз бўлади.

КОВҒА (20.01-18.02)

Яқин кўнларда моддий ётчимовчиликларга дуч келишингиз мумкин. Лекин бунни бировга сездирмаганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)

Сарф-ҳаражатларингиз кўпайиб кетса, ортиқча қайируши керак эмас. Чунки сизда етарли маблаг бор-ку.

ЭЪЛОНЛАР

"Алп Жамол Банки" томонидан хусусий тадбиркор Арипов Фарход Толибович номига берилган 0004004 дан 4025 гача бўлган чек дафтарчаси йўқолганиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ўзбекиско-Канадско-Иранское СП "VIKIM-CHEMICAL" обявляеет о снижении Уставного фонда с 500000 долларов США до 347406 долларов США — 61 цент.

Совместное Узбекско-Американское предприятие "NEFTGAZMONTAJ" сообщеает об уменьшении своего Уставного фонда с 4.000.000 долларов США до 3.580.941 долларов США — 81 цент.

Mahalla logo and contact info: Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:

- Аъзам ГАДОЙБОВЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон КҮЧКОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таънаберди КУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32. Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масьул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.